
Вилоят ҳокими Наврӯз байрамида Абдулҳай ота Азизов ҳол-аҳволидан хабар олди

Наврӯз байрами муносабати билан вилоятимизда яшовчи 29 нафар Иккинчи жаҳон уруши фахрийларининг ҳол-аҳволидан хабар олинди, уларга Давлатимиз раҳбари номларидан байрам совғалари топширилди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, вилоят секторлари раҳбарлари, вилоят Мудофаа ва Хавфсизлик тизимлари раҳбарлари, туман ҳокими С. Солиев Риштон туманида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдулҳай ота Азизов хонадонида бўлиб, отахонни ва оила аъзоларини Наврӯз айёми билан табрикладилар. 98 ёшни қаршилаган Абдулҳай ота Москва остоналарида бўлган жангларда иштирок этган. Урушдан қайтгач, 53 йил халқ таълими соҳасида меҳнат қилган, соҳа ривожига қўшган катта ҳиссаси учун қатор орденлар билан мукофотланган. 3 ўғил, 4 қизни тарбиялаб уйли-жойли қилди. Бугун эса неварар-ю чеваралар бағрида умргузаронлик қилмоқда. Ўз уруш хотиралари, ўтган даврларнинг қийинчиликлари, ҳаёт тажрибалари ҳақида вилоят ҳоқимига сўзлаб берган отахон, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиш кераклигини такрор-такрор таъкидладилар, Президентимиз томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик учун миннатдорчилик изҳор қилдилар.

2022-03-23 17:07:33